



«6» август 2013 йил

№ 559-к

QAROR

Боғ яратиш ва ободонлаштириш  
ишларини амалга оширишга рухсат  
бериш тўғрисида

Каттақўрғон шаҳар Истиклол кўчаси 42 уйда яшовчи фуқаро Турапов Фурқатни шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини, шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Истиклол кўчаси 42 уйда яшовчи фуқаро Турапов Фурқатга Нарпай бўйи кўчаси худудидаги шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган 0,2 га ер майдонида боғ яратиб, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун рухсат берилсин.
3. Боғ яратиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширишни бугунги кун Архитектура ва қурилиш қонун талабларига риоя қилган ҳолда архитектура ва қурилиш бўлими билан келишилган лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга ошириш фуқаро Ф.Турапов зиммасига юклатилсин.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига курсатилган 2 йил муддат ичида боғ яратиб ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор ўз кўчини юқотди деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззаков